

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

# **РЕФЕРАТ**

## **Мавзу: Шахс**

Бажарди: Касб таълими факультети Мехнат 101-гуруҳ талабаси  
Дусмухамедова

**Тошкент 2013**

## Шахс

РЕЖА:

### КИРИШ

1. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси.
2. Шахснинг тузилиши.
3. Шахснинг «Мен» – образи ва ўз-ўзига баҳо бериши муаммоси.
4. Шахс дунёқарашини ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.

#### ***1.Ижтимоий психологияда шахс муаммоси.***

Мулоқот жараёнининг ҳам, гурухий жараёнларнинг ҳам. эгаси— субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам ургандики, уни уша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади. Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам, ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, хукукий психология ва психологиянинг қатор маҳсул бўлимларида ҳам урганилади. Ҳар бир бўлим ёки тармоқ уни уз мавзуи ва вазифалари нуқтаи назаридан шахсга тааллуқли булган муаммоларни ёритади. Масалан, умумий психология шахсни психологик фаолиятнинг маҳсули, алоҳида психик жараёнларнинг эгаси деб ҳисобласа, социология уни ижтимоий муносабатларнинг объекти деб қарайди.

Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг узига хослиги шундаки, у турли гурухлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Яъни, ижтимоий психология аввало бирор гурухнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга буйсунишини, шахснинг мулоқотлар системасида олган таъсирлари унинг онгида қандай ақс топишини урганади. Гурухнинг шахс психологиясига таъсири қай йусинда содир бўлиши ижтимоий психологияда социализация муаммоси билан узвий боғлиқ булса, бу таъсирларнинг шахс хатти-ҳаракатлари, хулқида бевосита қандай намоён

булиши ижтимоий йул-йуриklar муаммоси билан боғлиқдир. Ана шулар асосида шахсда шаклланадиган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён булишини аниқлаган ҳолда, шахс хулқ-атворини бошқариш, механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга социал-психологик ёндашиш уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитида узига ухшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

Шахс социализацияси туғрисида гап кетаркан, унинг фанда кўпинча “шахс тараққиёти” ёки “тарбияси” тушунчалари билан синонимдек ишлатилишига алоҳида эътибор бериш керак. Лекин социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, айтиб утилган тушунчалардан фарқ қилади. *Социализация* — бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қушилиши, ижтимоий таъсирларни узига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда уз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда руй беради, чунки индивидда шахс булишга эҳтиёж ҳамда шахс булишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола тугилиб, ижтимоий муҳитга қушилган ондан бошлаб, ундаги шахс булишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини қузатиш мумкин (масалан, чакалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги).

Шахс социализацияси ёки шаклланишнинг уз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар каталоги кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва қуникмаларни, билимларни талаб этадики,

уларни кониктириш йулидаги активлиги унда узига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) мулоқот соҳаси, айникса мактабгача ёш даврдаги ва усмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир канча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо киладики, бунинг натижасида у фаол хаётий мавксга эга булади, жамиятда уз урнини тасаввур килишга эришади.

3) ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни „Мен“ образининг йил сайин узгариб бориши жараёни булиб, аввал узини бошкалардан фарклилигини, узича мустакил ҳаракат қилиш, мустакил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-узини баҳолаш, англаш, назорат қилиш- хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибии қисмидир.

Шахс социализацияси, юкорида таъкидлаб утганимиздек бола туғилиши билан бошланса-да, сезиларлик самарадорлик нуктаи назаридан унинг босқичлари фаркланади. Масалан. **биринчи босқич—мехнат фаолиятигача** булган босқич булиб, унга боланинг мактабгача даври ҳамда уқиш йиллари киради. Бу даврдаги социализациянинг ахамияти ва узига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташки ижтимоий мухит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онгга синтдирилади, мустакил хаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади.

**Иккинчи босқич — мехнат фаолияти даври** — бу давр одамнинг етуқлик йиллари билан боғлиқ булиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Қасбга эга булиб, аниқ хаёт йулини танлаган, турмуш куриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён буладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг махсулидир. Нихоят, **Учинчи босқич — мехнат фаолиятидан кейинги** давр булиб, бунга асосан актив мехнат фаолиятидан сунг қарилик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс социализацияси давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошкаларга узатилади, шунга кура шахс структурасида ҳам хусусий узгаришлар руй беради.

Социализация жараёни руй берадиган шароитлар — муассасалар хусусида гапириладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа ўқув даргохлари, меҳнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

### **Ижтимоийлашув жараёнидаги муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари**

Одамлар бир - бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири - ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установакаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдир. Психологик таъсир - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

Вербал таъсир - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзлар заҳирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

Паралингвистик таъсир - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очиқ юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!», деса ишонамиз, албатта.

Новербал таъсирнинг маъноси «нутқсиз» дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ,

интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, хидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга карамай, атрофга аланглаб, «Кўрганимдан бирам хурсандман», деса, ишонасизми?

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, суҳбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим рол ўйнарган. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин ҳалқ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст-бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».

Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускори - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдалади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол-аҳволни ҳам қуюқроқ сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

Таъсирнинг адресати - таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

## **2. Шахнинг тузилиши.**

Шахс асосини унинг тузилиши ташкил этади, бу эса шахснинг яхлит хосила сифатида ҳар тарафлама нисбий барқарор алоқа ва ўзаро таъсирга эга бўлишидан иборат. Психологлар шахс тузилишида турли таркибий қисмларни ажратадилар. С.Л. Рубинштейн темперамент, характер, лаёқатларда; билимлар, малакалар ва кўникмаларда; йўналганликда намоён бўладиган индивидуал-типологик хусусиятларни кўрсатиб ўтади. А.Г. Ковалев йўналганлик, характер, имкониятлар ва машқлар тизимини ажратади. М.И. Еникеев темперамент, йўналганлик, лаёқатлар ва характерни санаб ўтади. Машҳур психолог К.К. Платонов йўналганлик таркибини, ижтимоий тажриба таркибини, психологик таркибни ва биологик асосланган таркибни ажратиб кўрсатади.

Шундай бўлсада, шахс тузилишида таркибий қисмларни ажратишдаги тафовутларга қарамай, муаллифлар ўз ёндошувларида етакчи таркибий қисм сифатида **йўналганлик**ни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Бу тушунча турлича, масалан, «ўсиш суръати тенденцияси (С.Л. Рубинштейн), «маъно касб этувчи мотив» (А.Н. Леонтьев), «доминантлик муносабати» (В.Н. Мясищев), «асосий ҳаётий йўналганлик» (Б.Г. Ананьев), «инсон моҳиятли кучларини динамик тарзда ташкил этиш» (А.С. Прангишвили) сифатида талқин этилади.

Бизлар нима учун одам ҳаракатлари фаоллашганининг сабабини аниқлашда эҳтиёжлар моҳиятининг таҳлилини ўтказамиз, лекин бу фаолликнинг оқибатларини билиш учун унинг йўналганлиги нима билан белгиланишини таҳлил қилишимиз лозим. **Йўналганлик** деб, шахс фаолиятини йўналтирувчи ва хусусий вазиятлардан нисбатан мустақил бўлган барқарор мотивлар йиғиндисига айтилади. Масалан, ўқувчи хулқ-атвори яхлитлигича кўриб чиқилганида, унинг психологияси таҳлилида **барқарор** мотивларни аниқлаш зарур. Мана шу ҳолатдагина ўсмирнинг

харакати тасодифийлиги ёки қонуниятга асосланганлигига баҳо бериш, унинг такрорланиш имкониятларини олдиндан кўра олиш, шахс сифатларининг баъзиларини бартараф этиш, бошқаларининг ривожланишини эса рағбатлантириш мумкин. Мотивлар у ёки бу даражада **англанган** ёки умуман **англанмаган** бўлиши мумкин. Шахс йўналганлигида асосий ўринни англанган мотивлар эгаллайди.

Шахс йўналганлиги доимо ижтимоий белгиланган бўлади ва тарбия жараёнида шаклланади. Йўналганлик – бу шахснинг хусусиятларига айланган ва ҳавас, истак, интилиш, қизиқиш, мойиллик, идеал, дунёқараш, эътиқод каби шаклларда намоён бўладиган майллар. Бу шаклларнинг асосида **фаолият мотивлари** ётади.

**Ҳавас** – бу субъектнинг ажратилмаган, англанмаган ёки етарлича англанмаган эҳтиёжларини ифодаловчи руҳий ҳолат. **Истак** фаолият мотиви сифатида эҳтиёжнинг етарлича аниқ англанганлиги билан ифодаланади. Бунда унинг объектигина эмас, балки уни қондириш йўллари ҳам англанади. **Интилиш** истак тузилишига иродавий таркибий қисм қўшилганида юзага келади. **Қизиқиш** – бу шахснинг йўналганлигини фаолият мақсадларини англаш билан таъминловчи билиш эҳтиёжи ифодаланишининг махсус шакли. Субъектив тарзда қизиқиш объектни чуқурроқ ўрганиш, у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уни тушуниш истагида билиш жараёнига эга бўладиган ижобий эмоционал тонда намоён бўлади. Одатда, шахс йўналганлигини ифодаловчи қизиқишнинг қондирилиши унинг сўнишига сабаб бўлмасдан, уни ичдан ўзгартиради, бойитади ва чуқурлаштиради, билиш фаолиятининг юқори даражаси талабларига жавоб берувчи янги қизиқишларни уйғотади. **Эътиқодлар** – бу шахсни ўз қарашлари, тамойиллари, дунёқарашига мувофиқ равишда ҳаракат қилишга ундовчи мотивлар тизими. Эътиқодлар шаклидаги эҳтиёжлар мазмуни – бу табиат ва жамиятни ўраб турган олам ҳақидаги билимлар, уларни муайян тарзда англаш. Бу билимлар тартибли ва ичдан ташкил топган қарашлар (фалсафий,

этика, эстетика, табиий-илмий) тизимини ҳосил этганида, улар инсоннинг **дунёқараши** сифатида ўрганилиши мумкин.

Шахс **майли** – бу аввалги тажрибада шаклланган, объектни айнан **маълум шаклда** идрок этиш, тушуниш ёки у билан ҳаракат қилишга тайёрлик, мойиллик.

Кўпчилик майлларнинг янглиш моҳияти, ёки инсон шахсий тажрибасидаги баъзи фактлардан шошилиш ва етарлича асосланмаган ҳолда чиқарилган хулосаларнинг натижаси, ёки **фикрлаш стереотипларини** – маълум ижтимоий гуруҳда қабул қилинган хилларга ажратилган мулоҳазаларни танқидсиз ўзлаштириш натижаси бўлиб ҳисобланади. Жамият ҳаётидаги турли фактларга (ҳодисалар, одамлар ва бошқалар) нисбатан огоҳлантириш хусусиятига эга бўлган майллар **ижобий** ва **салбий** бўлиши мумкин. Майллар у ёки бу даражада англалмаган бўлиши мумкин. Психологик тадқиқотлар томонидан майл тузилишида уч таркибий қисм ажратилади: **когнитив** таркибий қисм инсон билишга ва идрок этишга тайёр тасвир намунасидир; **эмоционал-баҳолаш** таркибий қисм майл объектига нисбатан хайрихоҳлик ва хуш кўрмаслик мажмуасидир; **хулқ-атвор** таркибий қисм – майл объектига нисбатан маълум тарзда ҳаракат қилиш, ирода кучини амалга оширишдир.

Психология тарихида шахснинг психологик моҳияти ҳақидаги тасаввурларга кўп марта ўзгартиришлар киритилган. Авваламбор, шахсни, айнан, психологик тушунча сифатида англашнинг зарурияти билан боғлиқ назарий қийинчиликларни бартараф этишнинг энг ишончли воситаси шахсни психологик воқелик каби ташкил этувчи таркибий қисмларни санаб ўтиш ҳисобланади. Бу ҳолатда шахс инсон психикасининг сифатлари, хоссалари, қирралари, ўзига хос хусусиятларининг тўплами сифатида майдонга келади. Муаммога бундай ёндошиш А.В. Петровский томонидан «коллекция тўплаш» деб номланган, бунда шахс ўзида темперамент, характер, қизиқишлар, лаёқатлар ва ҳ.к.ларнинг қирраларини мужассамлаштирган қандайдир катталиқ, ҳажмга айланади.

XX аср 60-йилларининг ўрталарида шахс умумий тузилишини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказишга қаратилган ҳаракатлар бошлаб юборилди. Бу йўналишда шахсни биоижтимоий, тартибли тузилиш сифатида таърифлаган К.К. Платоновнинг ёндошуви эътиборга лойиқ. У шахс тузилишини қуйидагиларга ажратади:

1. **Йўналганлик** (фикрлар, дунёқараш, майллар, истаклар, қизиқишлар, мойилликлар, идеаллар каби шаклларни ўз ичига олади). Бу тузилиш ости тарбия йўли билан шаклланади.

2. **Тажриба** (таълим олишда шахсий тажриба воситасида орттириб бўлинган, лекин шахснинг биологик ва ҳатто, ирсий белгиланган хоссаларининг сезиларли таъсири остидаги билимлар, малакалар, кўникмалар ва одатларни бирлаштиради).

3. **Акс эттириш** турли шаклларининг индивидуал хусусиятлари (ҳис этиш, идрок, хотира, тафаккур, ҳиссиётлар, туйғулар, ирода).

4. **Биопсихик хоссалар** ўзида темперамент хусусиятлари, шахснинг жинс ва ёш хусусиятлари, патологик, органик ўзгаришларни бирлаштиради .

Бу тўрт таркибий қисмга яна икки таркибий қисм жамланади: мустақил таркибий қисм бўлиб ҳисобланмайдиган шахснинг умумий сифатларидан иборат, асосий таркибий қисмларнинг ҳар бирининг хусусиятларидан ташкил топган **характер** ва **лаёқатлар**.

Бундай ёндошувнинг асосий камчилиги шундан иборат эдики, шахс умумий тузилиши унинг биологик ва ижтимоий белги, хусусиятларининг йиғиндиси сифатида изоҳланар эди. Натижада шахс психологиясида шахсдаги ижтимоий ва биологик хусусиятлар нисбати муаммоси асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Лекин, аслини олганда, биологик хусусиятлар инсон шахси таркибида ижтимоийга айланади.

Характер ва лаёқатлар тегишли бўлган шахс даражалари сифатидаги асосий таркибий қисмлар

Таркибий қимсл	Таркибга кирувчи элементл	Ижтимоий ва биологи	Асосий алоқалар				Шакллантиришнинг	Таҳлилнинг зарур даражалари
			Акс эттири	Англаш билан	Эҳтиёжлар	Фаоллик билан		

арнинг номла ниши	ар	к нисбат	ш билан		билан		махсус турлари	
Йўналганлик	Эътиқодлар, дунёқараш, идеаллар, мойилликлар, қизиқишлар, истаклар, ҳаваслар	Биологик деярли мавжуд эмас	Акс эттирувчи тажриба асосида муносабат	Асосан келажакни англаш	Ижтимоий эҳтиёжни акс эттириш орқали	Эътиқодлар орқали	Тарбия орқали	Ижтимоий-психологик
Тажриба	Одатлар, малакалар, кўникмалар, билимлар	Ижтимоийдан анчагина кўп	Акс эттириш шакллари рининг мазмуни	Ўтмишни англаш зарурияти	Одатлар орқали	Ирода кўникмалари орқали	Ўқиш	Психологик-педагогик
Психикалар	Ирода, туйғулар, идрок, тафаккур, ҳиссиёт, эволюция, хотира	Кўпда ижтимоийдан кўпроқ	Психика акс эттириш шакллари	Воқеликни англашнинг ўзига тарафли	Шахсга эҳтиёж орқали	Ирода орқали	Машқ	Индивидуал-психологик
Биопсихик хоссалар	Темперамент, жинсий, ёш, патологик хусусиятлар	Ижтимоий деярли мавжуд эмас	Психика акс эттириш механизми	Фақат услубни англаш	Биологик эҳтиёж орқали	Асаб жараёнларининг кучи ва ҳаракатчанлиги орқали	Машқ	Психофизиологик Нейропсихологик

XX аср 70-йилларнинг охирида шахс муаммосига тузилишли ёндошув йўналиши тизимли ёндошувни қўллаш тенденцияси билан алмашинди. Шу муносабат билан *А.Н. Леонтьев* ғоялари алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, **шахс** - бу инсоннинг жамиятдаги ҳаёти натижасида юзага келадиган алоҳида турдаги психологик ҳосила. Турли фаолиятларнинг биргаликда бўйсунishi онтогенезда шаклландиган шахснинг асосини яратади. Шу ўринда, *А.Н. Леонтьев* кўрсатиб ўтганидек, шахсга тегишли бўлмаган, авваламбор, ирсият томонидан белгиланган: тана тузилиши, асаб тизимининг тури, темперамент, биологик эҳтиёжларнинг ўсиш кучи,

аффективлик, туғма лаёқатлар каби, шунингдек, орттирилган кўникма, билим ва малакалар, ҳамда, – касбий белгиларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг фикрича, санаб ўтилганлар, инсоннинг *индивидуал* хоссаларини ташкил этади.

Шахс аввалги тажрибалар билан бойитилган индивид эмас. Индивид хусусиятлари шахс хусусиятларига айланмайди.

А.Н. Леонтьев томонидан белгилаб берилган шахс муаммосини ўрганишга умумий ёндошув А.В. Петровский ва В.А. Петровскийларнинг ишларида ривожлантирилди. Уларнинг фикрига кўра, шахс ҳамкорликдаги фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси ўртасида ўрнатилган мазмун-моҳияти, кадриятлари воситасидаги барқарор шахслараро алоқалар тизимида ўрганилиши мумкин.

Баён этилганлар шахсни фаолият ва мулоқотда юзага келадиган индивидуал муносабатларнинг (субъект – объект – субъектив ва субъект – субъект – объектив) барқарор тизимига нисбатан субъект сифатида ўрганиш имконини беради. А.В. Петровский ва В.А. Петровскийлар шахс тузилишини индивиднинг «ўта сезгир» тизимли хусусияти сифатида кўриб чиқадилар. Шахсни субъектив муносабатлар тизимида кўриб чиқиб, индивид шахсий турмуш тарзининг уч хилдаги атрибуциясини (кўшиб ёзиш, белгилаш) ёки шахс тушунчасининг уч хил нуқтаи назарини ажратадилар.

Кўриб чиқишнинг *биринчи нуқтаи назари* – интраиндивид шахсий атрибуция: шахс субъектнинг ўзига хос бўлган хоссаси сифатида тушунтирилади; шахс индивид турмуш тарзининг ички муҳитига киритилган ҳолатда бўлади.

*Иккинчи нуқтаи назар* – шахслараро алоқалар муҳити шахсни аниқлаш ва мавжудлик соҳаси бўлиб хизмат қилганида шахсни тушуниш воситаси сифатидаги интериндивид шахсий атрибуция.

Кўриб чиқишнинг *учинчи нуқтаи назари* – метаиндивид шахсий атрибуция. Ушбу ҳолатда индивиднинг ўз фаолияти орқали бошқаларга кўрсатадиган ихтиёрий ёки ихтиёрсиз таъсири кўзда тутилади. Шахсга

янгича назар билан қаралади: унинг индивид сифатлари қаторидаги муҳим хусусиятларини фақат ўзида эмас, балки бошқа одамлардан ҳам излаш таклиф этилади. Бунда шахс бошқаларда идеал тарзда тасаввур этилиши, уларнинг ўзга турмуш тарзи, унинг шахс сифатида алоҳидаланишида юзага келади.

Бундай идеал тасаввур этишнинг моҳияти – субъект фаолияти ёки унинг ҳамкорликдаги фаолиятини юзага чиқарадиган бошқа одамнинг ақлий ва аффектив-эҳтиёжий соҳасидаги реал фаол ўзгаришлардан иборат. Бундай ҳолатда гап шахснинг бошқаларда ўз ҳаётини давом эттириши мумкин бўлган фаол жараён ҳақида, бошқаларда ўзининг давомийлигини кўра билиши ҳақида кетади. Индивид ўлимидан сўнг шахс бутунлай йўқолиб кетмасдан ўзгалар ҳаёти билан давомийлигини сақлаб қолади. А.С.Пушкин сўзларини эсга олсак: «Йўқ, бутунлай ўлмайман ... дунёда битта бўлса ҳам шоир қолмагунича».

### ***3. Шахснинг «Мен» – образи ва ўз-ўзига баҳо бериши муаммоси***

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ - ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз - ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари, уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ – “Мен” - образи деб аталиб, унинг

канчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади.

“Мен” - образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, тарбия шахсининг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини канчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмакул сифатларни англамасликка, уларни “яширишга” ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Мен” - образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гуёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда *рефлексия* деб аталади. Унинг моҳияти - айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия “Мен” - образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингини учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айни шу пайтда “махмадона, лақмароқ” бўлиб қолганингизни сезасиз.

Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги ҳатога йўл кўймаслик учун “Ўртоқ, шошмаяпсанми?” деб сўраб ҳам кўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар («мен унга қандай кўриняпман?») - рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айниқса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган «катталик» ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги “Мен” - образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик хислатларининг ўзида айна пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган “Мен” - образи қатор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор - йўқлигига боғлиқ ҳолда “Мен” образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

“Мен” - образи асосида ҳам бир шахсда ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизими шаклланадики, бу тизим ҳам образга мос тарзда ҳар хил бўлиши мумкин. Ўз-ўзига нисбатан баҳо турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни, айна бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида - аксинча, пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги

тизимидаги мезонларга, яъни, унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни, бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни удралай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четрокда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик қайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан «қочишга» интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқори ҳам шахс хулқ-атворида яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мактовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат «ноадекватлилик эффекти» деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, ўқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонттиради ҳам (масалан, «ҳалақит берди-да», «фалончи бўлмаганида» каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин, айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида

бора-бора одамлар «оёғи ердан ўзилган», «манмансираган», «димоғдор» каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турганлар - ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, кўни-кўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданок холис қабул қилишга, ўз вақтида керак бўлса тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи - референт гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига кулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳаттоки, оддийгина танбеҳлари, маслаҳатлари, ҳаттоки, мактаб туриб берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай референт гуруҳ реал мавжуд бўлиши (масалан, ота-она, ўқитувчи, устоз, яқин дўстлар), ёки нореал, ҳаёлий (китоб кахрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазъийқ кўрсатиш керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклландиган ўз-ўзига баҳо - ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан, мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафқурасига садоқат ҳисларининг тарбияланиши, табиий, ҳар бир ёш авлодда ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган ҳалқ ва миллат маънавиятини кадрлаш ҳисларини тарбияламоқда. Бу эса, ўша юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмидир.

Демак, ўз-ўзини баҳолаш - ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига эса, қуйидагилар киради:

- ўз-ўзи билан мулоқот (ўзини конкрет тарбия объекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);
- ўз-ўзини ишонтириш ( ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали, ижобий хулқ нормаларига бўйсундириш);
- ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини қўлга олиш ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиш сифати);
- ўз-ўзига таъсир ёки ауто суггестия (ижтимоий нормалардан келиб чиққан холда ўзида маъқул установкаларни шакллантириш);
- ички интизом - ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони, ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Демак, шахснинг қандай сифатларга эга эканлиги, ундаги баҳоларнинг объективлигига боғлиқ тарзда ўз-ўзи билан мулоқотга киришиб, жадвалдагига мувофиқ шахс ўзини назорат қила олади. Шунинг учун ҳам ҳаётда шундай кишилар учрайдики, катта мажлисда иши танқидга учраса ҳам, ўзига холис баҳо бериб, керакли тўғри хулосалар чиқара олади, шундай одамлар ҳам борки, арзимаган ҳатолик учун ўз «ич-этини еб ташлайди». Бу ўша ички диалогнинг ҳар кимда ҳар хил эканлигидан дарак берувчи фактлардир.

#### ***4. Шахс дунёқарашини ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.***

Дунёқараш - шахснинг шахслигини (индивид эмас), унинг маънавиятини, ижтимоийлашуви даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир. Шунинг учун ҳам унинг шаклланиши ва ўзгариши масаласи муҳим масалалардан бўлиб, ҳамма вақт ва даврларда ҳам ўта долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, жамиятда туб ислоҳотлар бошланди. Ана шу ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири - маънавий - маърифий ислоҳотлар бўлиб, унинг асосий мақсади жамият

аъзолари дунёқарашини истиқлол руҳида шакллантиришни мақсад қилиб кўйди. Давлатимизнинг ёшлар борасидаги сиёсатининг асосини ҳам уларда янгича хурфикрлик билан янгича дунёқарашни шакллантиришдир. Бу ўринда психология ўзгаришлар шароитида эътиқод, дунёқараш ва идеаллар ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар хусусида қуйидагилар ажаратади:

*1. Маънавият ва маърифат.* Аввало маърифат хусусида. Бу - одамнинг табиат, жамият ва инсонлар тўғрисидаги турли билимлари, тушунчалари, маълумотлари мажмуи бўлиб, унинг мазмуни бевосита **шахс дунёқарашининг** мазмун - моҳиятини белгилайди. Демак, ёшларга қаратилган ва улар ўқиб, ўрганиши учун йўналтирилган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий - ахборот воситалари орқали, мулоқот жараёнида), улар асосида шаклланидиган янгича тасаввурлар янгича дунёқараш учун заминдир. Мустақиллик йилларида эски, ўзини тарих олдида оқламаган мафкурадан воз кечилди, янги мустақиллик ғояси, унинг асосий тамойиллари , ёшларни маърифатли қилиш борасидаги вазифалар Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов асарларида мухтасар, аниқ баён этилган. Улар асосида мамлакатимизда янги «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» қабул қилинди. Улар ёшларнинг энг илғор илм - фан ютуқларидан бохабар қилиш, буюк алломалар меросини чуқур ва теран ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим - тарбия жараёнини ташкил қилиш, ёшларни маърифатли қилишнинг барча шарт - шароитларини яратишни назарда тутди. Бу сайъи - ҳаракатлар маънавият борасидаги ислохотлар, ўзбек маданияти, санъати, адабиётини ривожлантириш ишлари, тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган оламшумул ишлар табиий, ёшларимизда янгича дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

*2. Оила.* Юртимизда оила ҳамиша давлат ҳимоясида ва олий қадрият сифатида эъзозланади. Оила ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим ўчоғи бўлгани учун ҳам унинг шу муҳитда тарбияланаётган ёшлар эътиқоди ва дунёқарашидagi роли сезиларлидир. Республикаимизда «Оила»йили деб эълон

қилиниши, «Оила» илмий-амалий Маркази ўз фаолиятини бошлаши жамиятда, ёшлар тарбияси борасида оиланинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган муҳим тадбир бўлди ва уларда юртга, Ватанга, яқинларга садоқат, муҳаббат ҳисларини тарбиялаш орқали дунёқарашлари мазмунига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

*3.Мафкура.* ҳар бир даврнинг ўз мафкураси бўлади ва у шахс ижтимоийлашуви жараёнида унинг онгига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Коммунистик мафкурадан батамом воз кечган жамиятимизда янги мустақиллик мафкураси шаклланмоқда. Зеро, мафкура жамият аъзоларининг табиат, жамият ва ижтимоий жараёнлар хусусидаги ғоялари, билимлари мажмуи бўлиб, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз эътиқодига мос мафкурани танлайди. Мустақилликдан руҳланган , унинг моддий ва маънавий неъматларидан баҳраманд бўлаётган ўзбекистонликлар ўтган қисқа вақт мобайнида унинг кадриятлари, ҳар бир шахсга яратилаётган чексиз имкониятлари, илм ва билим борасидаги шарт - шароитларни англаб, ўзлари онгли равишда ана шу тузумга садоқат ва уни севиш, ардоқлаш ва ҳимоя қилишга тайёрлик фалсафасини шакллантирмоқдалар. Янги мафкура мустақиллик ва миллий кадриятлар ғояси таъсирида шаклланмоқда ва бу табиий, биринчи навбатда ёшлар дунёқарашини ўзгартирувчи муҳим шартдир.

*4.Ижтимоий установакалар.* Соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм - бу ижтимоий установакалардир. Бу - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ходисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Рус олими В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установакаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.:

А) элементар установакалар (set) - оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўпинча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт - шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий установакалар (attitud) - ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт - шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установакалар - улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) Қадриятлар тизими - улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда кадр - қиммат топган нарсаларга нисбатан установака. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томондан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай йўли - бу айна вазиятлар ва улардаги таъсирларни қайтаришдир. Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узоқ муддатли хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, объективлашади, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўпчиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жамиятнинг рухий ва маънавий такомиллиги кўп жиҳатдан оилада ота-онанинг фарзанд тарбиясига қанчалик масъулият билан ёндашганига ҳам боғлиқ бўлади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон республикаси “Таълим тўғрисидаги” қонунда давлат, жамият ва оила олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш масаласи қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касбкор маданиятига, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда муваффақият қилиш тўғрисида олиб билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тизимаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва акредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларни ташкил этишни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

-Республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

-мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидаги рақобатбардош

пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгаётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс маданияти ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрўсининг мустаҳкамланиб бораётганлигини эътироф этиш муҳим.

Сўнги йилларда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятлар асосида ҳар томонлама тарбиялаш масаласига эътибор кучаймоқда. Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашда ва ривожлантиришда маънавий соғлом авлодни вояга етказиш уларнинг онги, характерини миллий қадриятларимиз асосида ахлоқли-одобли қилиб тарбиялашимиз зарурдир. Чунки, маънавий камол топган инсонларгина баркамол жамият қуришлари мумкин. Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида таъкидлаганидек: “Бугун Ўзбекистон халқи улуғ аجدодларининг анъаналари, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, янги тарихий шароитда келажагини ўрганмоқда”.

Шарқ маданияти ва маънавияти шу қадар ноёб, бетакрор ва жозибали бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек оиласининг бетакрор муҳити, ундаги анъаналар, расм-русмлар ва қадриятларнинг барҳаётлигидадир. Зеро ҳар қандай оила инсон тақдири ва камолотини, келажагини белгилаб берувчи омил эканлиги билан характерли ҳисобланади. Айниқса, ундаги анъаналар, миллий қадриятлар маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни, яъни соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишда уларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Демак, оила-ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насл қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган катта тарбия ўчоғидир.

Оила фаровонлиги-миллий фаровонликнинг асосидир. Оилада энг аввало: ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар шаклланади. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва осойишталик ҳукм суради.

Оила ва бола тарбияси муаммоси ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган. Оила муҳити қанчалик ахлоқ-одобнинг маданият қоидалари ва миллий қадриятлари асосида ташкил топган бўлса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт-шароит яратилса, шахс шунчалик баркамол, комил инсон бўлиб етишади.

Ўзбек оиласидаги анъанавий таълим-тарбия намуналарини фарзандларимизга амалий тарзда ўргатиб, оилавий муносабатлар маданиятини юксалтиришга даъват этиб шу орқали ота-она ва болалар ўртасидаги муносабаларни оқилona ташкил этишга ёрдамлашиш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ёш авлодга маънавий, ахлоқий тарбия беришнинг йўллари ва воситалари хилма-хил бўлиб, булар ичида ёшларни халқимизнинг миллий анъаналари руҳида тарбиялаш алоҳида ўрин тутди.

Ҳақиқатдан ҳам яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг ижодчиси бўлиши билан бирга асрлар давомида яратилган бу маънавий бойликлар яна халқ манфаатига хизмат қилади. Миллий анъаналар халқимизнинг ана шундай маънавий бойликларидан биридир.

Маълумки, анъаналар муҳим ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг одатлари, юриш-ўтириш қоидалари, ахлоқ нормалари бўлиб, асрлар давомида яшаб келсада, авлоддан-авлодга ўтар экан, мазмуни янада бойийди ва инсоният донишмандлигининг ифодаси сифатида халқ педагогикасига айланади. Бу донишмандлик одамларнинг турмуши, ҳис-

туйғуларига сингиб, уларнинг шунчаки қарашлари ва идеалларигина эмас, шу билан бирга, ижтимоий онг формаси ҳам бўлиб қолади. Уларда одамларнинг дилидаги, кўнглидаги, психологиясидаги энг эзгу орзу истаклари ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқи, мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар каби ёшларга ахлоқ тарбиясини беришда ўзининг азалий анъаналарига эга бўлган. Бизнинг ҳозирги кундаги вазифамиз эса, ўтмишда авлодлар томонидан яратилган энг яхши анъаналарни ўрганиш ва ҳаётимиз талабларига мос ҳолда ривожлантиришдир.

Қадимий, тарихий манбалар, халқ оғзаки ижоди материаллари, шарқ классикларининг таълим-тарбияга оид асарларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ўзбек халқи қадим замонлардан бошлаб фарзандни тарбиялаш соҳасида ўзига хос анъаналарга эга бўлган. Ота-оналарнинг болаларни севиши, ўз навбатида фарзандларнинг ота-онани астойдил ҳурмат қилиши оила тарбиясининг кўрки бўлиб ҳисобланган.

Шарқ мамлакатларида айниқса, ота-оналарнинг шахсий намунаси фарзанд тарбиясининг энг муҳим усуллари билан бири ҳисобланган. Шунга кўра, ўғил болалар юриш-туриши, ўзаро муомаласи, ерга ишлаши ва касб эгаллашда отасига ўхшашликка ҳаракат қилган. Ота касбини эгаллаш яхши тарбиянинг натижаси ҳисобланган. Қизлар эса уйни саранжом-саришта тутиш, турли таомлар тайёрлаш, тўқиш ва тикиш, меҳмон кутиш каби ишларда онасига ўхшашга ҳаракат қилганлар.

Анъанага кўра, фарзандларнинг юриш-туриши ва ўзаро муносабат қоидалари, ёшларнинг ота-она ва катталар олдидаги бурчи, меҳнати, касб-кори ва уларнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақидаги дастлабки тушунча ва тасаввурларни оилада олганлар.

Агар ўғил болаларга оила ташвиши билан яшаш, унинг шон-шуҳрати учун курашиши, ёшлиқдан бирор касбнинг бошини тутиш, ҳар қандай меҳнатга тайёр туриш каби сифатлар синдирилса, қизларга эса катталарни ҳурмат қилиш, ота-оналарнинг сўзига қулоқ солиш ҳар доим назокатли ва

ширин сўз бўлиш, ота-ёки бошқа катта кишилар уйга кириб келишганида ўрнидан туриб қарши олиш каби одоб ва маънавий ҳаёт қоидалари оилада ўргатилар эди.

Ҳаёт тажрибасини кўрсатишича, жамиятнинг равнақи, гуллаб-яшнаши, фаровон ҳаётнинг асосий мезони ахлоқ-одоб бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун ота-боболаримиз оилага, оилада бола тарбиясига, уларнинг маънавий камолига, ахлоқига катта эътибор бериб келганлар.

### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. - 56 бет.
2. Андреева Г.М. “Социальная психология” - М.: Аспект Пресс, 2004;
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. –Т.: “Ўқитувчи”-1994.
4. Югай А.Х., Мираширова Н.А. Общая психология. – Т.: 2011